Куч — адолатда

2011 йил,
21 апрель,
пайшанба
№ 16 (322)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

ЮРТИМИЗДА БУ ЙИЛ МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ ТАНТАНЛАРИ ЎЗГАЧА ШУКУҲ БИЛАН НИШОНЛАНАДИ. ЧУНКИ ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА ХАЛҚИМИЗ ЭРИШГАН БЕТИМСОЛ ЮТУҚЛАР, МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДА ЎЗИНИНГ МУСТАҲКАМ ЎРНИГА ЭГА БЎЛГАНИ, ЧИРОЙ ОЧГАН ШАҲАРУ ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ, МУҲИМИ, БУЛАРНИ ҚАЛБАН ҲИС ЭТАЁТГАН ФУҚАРОЛАРИМИЗНИНГ КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТИ ҲАМ ШУНИ ТАҚОЗО ҚИЛАЁТИР. ЮРТИМИЗДА ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИМИЗГА ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ АЛЛАҚАЧОН БОШЛАБ ЮБОРИЛГАНИ ШУНДАН ДАЛОЛАТ.

БУЮК ВА МУҚАДДАС ВАТАН ТАРАННУМИ

мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги олдидан ўтказиладиган тадбирлар юксак савияда ташкил этилади

Президентимиз Ислом Каримов томонидан яқинда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»**ги қарор бу борада муҳим дастуриламалдир. Ушбу қарор асосида махсус дастур тасдиқланди. Унда жами 140 дан ортиқ тадбирлар ўтказиш режалаштирилган. Байрамни ўтказиш билан боғлиқ барча тайёргарлик ишлари ва тадбирлар **“Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!”** деган шиор остида ташкил этилади.

Албатта, бундай тадбирлар мазмун-моҳиятида мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш билан боғлиқ узлуксиз ҳамда тадрижий тарзда амалга оширилган изчил ислоҳотлар самараси акс этиши лозим. Зеро, эришилган ютуқлар кўламини чуқур ҳис этишимиз мамлакатимизнинг кейинги тараққиётига қўшадиган ҳиссамизни янада оширади. Қолаверса, катта довонлар олдида сарҳисоб қилиш, ўтган кунлардан рози бўлиш инсон қалбида шукроналик туйғусини янада шакллантиради, фахру ифтихорни юксалтиради. Бундай руҳият эса кишини улкан мақсадлар сари етаклайди.

Давлатимиз раҳбарининг қарори ижросини таъминлаш борасида ҳозирги кунда амалий ишлар бошлаб юборилди. Жумладан, Парламент палаталари томонидан 25 апрелдан 25 майга қадар **«Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият»** ҳуқуқий саводхонлик ойлиги тадбирлари ўтказилиши ҳам шундан далолат. Мазкур тадбир моҳиятида ҳам мустақиллик йилларида ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида эришилган ютуқ ва марраларни кенг намоён этувчи маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишлари мужассамлаштирилмоқда.

Барчамизга аёнки, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб Конституциямизнинг муқаддимасида қайд этилганидек, миллий давлатчилигимизни инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибаси, демократия ва ижтимоий адолатга садоқат, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлиги, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашдек эзгу мақсадларга эришишга интилдик. Интилганга толе ёр, деганларидек, истиқлолимизнинг биринчи ўн йиллиги давомида ўтиш даврига хос қийинчиликларни бартараф этиб, ҳаётнинг синовларини енгиб ўтдик. Барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг изчил ва тизимли йўналишларини эгаллашга муваффақ бўлдик. Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, мустақиллик йилларида жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнида юртимизда инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият эканлиги амалда рўёбга чиқарилгани туфайлидир.

(Давоми учинчи бетда)

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилгани таъкидланди.

Munosabat

Суд тизимидаги ислоҳотлар самараси

бу жараёнда судларнинг ихтисослашуви муҳим аҳамият касб этди

Зеро, қонун устуворлигига эришиш, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантиришда суднинг, хусусан, мустақил суд тизимининг ўрни каттадир.

Конституциямизга мувофиқ, суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда фаолият юритади. Судьяларнинг мустақиллиги, фақат қонунга бўйсуниши, уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши ҳам кафолатланган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ўтган давр мобайнида суд-ҳуқуқ соҳасида, хусусан, судлар мустақиллигини таъминлаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. 1996 йил 29 августда бўлиб ўтган биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида давлатимиз раҳбари томонидан суд ислоҳотларини чуқурлаштириш, одил судлов тизимини демократлаштириш — ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг яна бир муҳим йўналиши эканлиги, суд жазоловчи органдан одамларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, амалда мустақил бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, суд юрисдикцияси қамровини кенгайтириш, қонунчилик ва ижтимоий адолатни таъминлашда суднинг ролини ошириш мақсадида Олий Мажлис Кенгаши томонидан Ўзбекистонда суд ислоҳотини янада ривожлантириш Дастури тасдиқланди.

(Давоми иккинчи бетда)

Аввало шуни алоҳида қайд этиш керакки, мамлакатимизда суғурта фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, суғурта тизимини янада такомиллаштириш, суғурта хизматларининг рақобат бозорини шакллантириш, суғурта фаолиятининг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шу мақсадда суғурта хизматлари кўрсатилишининг самарали тизимини яратишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, уни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Yangi qonun mohiyati

Суғурта фаолиятининг қонуний асослари

бу борадаги меъёрлар янада такомиллаштирилди

Маълумки, Фуқаролик кодексининг 52-бобида суғурта соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга алоҳида ўрин берилган. Мазкур бобда ихтиёрий ва мажбурий суғурта, мулкий суғурта шартномаси, шахсий суғурта шартномаси, суғурта шартномасининг шаклига қўйиладиган талаблар ва шунга ўхшаш бир қатор меъёрлар ўз ифодасини топган.

Қолаверса, юртимизда суғурта фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида мазкур фаолият билан боғлиқ бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Булар жумласига **«Суғурта фаолияти тўғрисида», «Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий суғуртаси», «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси», «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»**ги қонунларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

2008 йил 22 октябрдан кучга кирган **«Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида»**ги қонун транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашнинг ҳуқуқий базасини яратди. Кўрсатилаётган суғурта хизматлари самарадорлигини юксалтириш, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш орқали юридик ва жисмоний шахсларга йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиши натижасида ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига етказилган зарарларни қоплаб бериш тартиби жорий этилди.

Аммо ушбу қонунни амалда татбиқ этиш жараёнида баъзи бир муаммолар мавжудлиги аниқланди. Қонун қабул қилинганидан сўнг унинг ижросини назорат-таҳлил фаолият режаларимизга киритган ҳолда ўрганиб чиқдик.

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ko`magi

Тадбиркорлик ривожи — тараққиёт асоси

бу борада адлия идоралари томонидан самарали ишлар олиб борилмоқда

Маълумки, мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини боса олмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожида алоҳида ўрин эгалламоқда.

Айтиш керакки, иқтисодиёт соҳасида эришилган ютуқ ва муваффақиятларимизнинг туб негизида, биринчи навбатда, ҳуқуқий асослар мужассамдир. Масалан, мулк ҳуқуқининг дахлсизлиги дастлаб Конституциямизнинг 53-моддасида белгилаб қўйилди. Шунингдек, Фуқаролик кодекси, **“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”**ги, **“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”**ги қонунларда ҳам фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратиш, уларнинг ишчанлик фаоллигини ошириш, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш асосий вазифа сифатида белгиланди.

(Давоми иккинчи бетда)

Jinoyatga jazo muqarrar

Ҳалоллик умрни безайди

мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш эса нохуш оқибатлар олиб келади

ОЗОД ВА ОБОД ЮРТИМИЗНИНГ ТОБОРА ТАРАҚҚИЙ ЭТАЁТГАНИ, БАҒРИКЕНГ, САМИМИЙ, ОҚКЎНГИЛ ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИНИНГ ЙИЛДАН-ЙИЛГА ФАРОВОНЛАШИБ БОРАЁТГАНИ БАРЧАМИЗНИ БИРДАЙ ҚУВОНТИРИШИ, КЎНГЛИМИЗДА ФАХР-ИФТИХОР ТУЙҒУЛАРИНИ УЙҒОТИШИ ТАБИИЙ.

(Давоми иккинчи бетда)

МАМЛАКАТИМИЗНИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАШНИНГ БУГУНГИ БОСҚИЧИДАГИ ЭНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРДАН БИРИ БУ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА ҚОНУНИЙЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ШАХС ҲУҚУҚИ ВА МАНФААТЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИЗЧИЛ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШДАН ИБОРАТДИР.

Mezon

Одил судлов тамойилларини мустаҳкамлаш йўлида

Шу билан бирга одил судлов тамойилларини ривожлантириш, одил судловнинг сифатини ошириш, дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатларини кучайтириш ва ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Зеро, ҳар бир демократик давлатда суд тизими инсон ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган механизмнинг асосини ташкил қилади.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотларнинг бугунги босқичи талабларидан келиб чиқиб, судлардан уларга хос бўлмаган ваколатларни босқичма-босқич чиқаришга қаратилган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги **“Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”** номли маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишга қаратилган галдаги вазифаларга тўхталиб, **“...Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасидан суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколатини чиқариш мақсадга мувофиқ бўлур эди”**, деган таклифни баён этди.

Дарҳақиқат, амалдаги процессуал қонунчиликка, жумладан, Жиноят-процессуал кодексида белгиланган меъёрларга кўра, суд ҳам суриштирувчи, терговчи, прокурор билан бир қаторда жиноят аломатлари топилган, жиноят содир этилганлиги тўғрисида сабаб ва етарли асослар мавжуд бўлган барча ҳолларда ўз ваколати доирасида жиноят ишини қўзғатиши шарт.

(Давоми учинчи бетда)

Munosabat

Суд тизимидаги ислоҳотлар самараси

бу жараёнда судларнинг ихтисослашуви муҳим аҳамият касб этди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

2000 йил 14 декабрда **«Судлар тўғрисида»**ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилинганлиги суд тизимини ислоҳ қилиш, судьяларнинг мустақиллигини таъминлашда муҳим қадам бўлди. Мазкур қонун асосида судлар ижро ҳокимиятининг органи — адлия органлари тизимидан чиқарилди. Судьялик лавозимига номзодларни танлаш тамойили тубдан ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьялик лавозимига номзодларни танлаш ва тавсия қилиш бўйича Олий малака комиссияси судлар фаолиятини ташкилий таъминлайдиган орган сифатида жорий этилди. Мазкур қонуннинг ижроси тартибида Президент фармонига биноан Олий малака комиссияси тўғрисидаги Низомнинг янги таҳрири тасдиқланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2000 йил 14 августдаги **«Ўзбекистон Республикаси суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»**ги Фармонига биноан одил судловни амалга ошириш сифатини яхшилаш мақсадида мавжуд умумий юрисдикция судлари негизида фуқаролик ишлари бўйича судлар ташкил этилди.

Муқаддам айни бир судья ҳам жиноят, ҳам фуқаролик ишларини кўрган бўлса, мазкур Фармон қабул қилиниши натижасида судлар ихтисослашуви амалга оширилиб, ишлар тааллуқлилиги бўйича фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларда кўрилиши жорий этилди. Умумюрисдикция судлари негизида 63 та туманлараро судлари ва 14 та вилоят ва унга тенглаштирилган судлар ташкил этилиб, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароитлар яратилди.

Айни пайтда 2001 йил 1 январдан ўз фаолиятини бошлаган фуқаролик ишлари бўйича судлар фуқаролар ўртасида ҳамда фуқаро ва юридик шахслар ўртасида юзага келаётган турли муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2000 йилда, яъни судлар ихтисослашуви амалга оширилишидан олдин умумюрисдикция судлари томонидан жами 95.000 тага яқин фуқаролик иши кўрилган бўлса, фуқаролик ишлари бўйича судлар ташкил этилган, 2001 йилда 111.000 дан зиёд иш, 2010 йилда эса 290.000 дан зиёд фуқаролик иши мазмунан кўрилиб, қонуний ҳал этилганлиги фикримизнинг далилидир.

Қайд этиш лозимки, 2010 йилда мазмунан ҳал этилган ишлардан 262.084 таси бўйича ҳал қилув қарори чиқарилган бўлиб, шундан 250.087 та иш бўйича даъво талаблари қаноатлантирилган. 14.882 та фуқаролик иши тугатилган бўлиб, бунинг асосий қисмини тарафлар ярашувига эришилганлиги сабабли тугатилган ишлар ташкил этади. Одатда, яқин қариндошлар фуқаролик муносабатларига кўпроқ киришишлари сабабли улар ўртасида турли низолар келиб чиқиши табиий. Ушбу низоларни суд орқали қонуний ҳал этиш мумкин. Лекин барча ҳолатларда ҳам тарафлар бири иккинчисининг қонуний ҳуқуқларини тан олавермаслиги сабабли улар ўртасидаги муносабатни сақлаб қолиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, низодаги тарафларга қонун талаблари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирган ҳолда уларни яраштириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу маънода бугунги кунда низоларни ҳал қилишнинг муқобил усулларига эътибор берилаётганлиги бежиз эмас. Фуқаролик ишлари бўйича республика судлари томонидан ушбу масалага ҳам кенг эътибор қаратилмоқда. Бунда никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда судлар томонидан ярашиш учун муҳлат берилгач, жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғини, хотин-қизлар қўмитаси ва оила маркази ходимларининг эътибори ушбу оилалар бузилишининг олдини олиш, эр-хотинни яраштириш масаласига қаратилаётганлиги ижобий самара бераётир. Кўплаб оилавий масалаларни низоларни судсиз ҳал этиш, яъни уларни яраштиришга муваффақ бўлинаётганлиги бунинг тасдиғидир.

Шунингдек, фуқаролар қонуний кучга кирган суд қарорларидан норози бўлган тақдирда ўз қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини кассация инстанциясига мурожаат қилиш орқали ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлди. Биргина 2010 йилда 5000 га яқин фуқаролик ишларининг апелляция инстанциясида, 4000 дан зиёд фуқаролик ишларининг кассация инстанциясида кўрилиб, қарийб 2000 дан зиёд ишлар бўйича суд қарорларига тегишли ўзгартириш киритилганлиги ва янги қарорлар қабул қилинганлигининг ўзи бу борадаги амалга оширилган ислоҳотларнинг нечоғлик самара берганлигини кўрсатади.

Юқорида келтирилган статистик маълумотлардан кўринадики, суд ихтисослашувининг амалга оширилиши, яъни умумий юрисдикция судлари негизида фуқаролик ишлари бўйича судлари ташкил этилиши ўз вақтида амалга оширилган ислоҳотлар самараси сифатида бугунги кунда жамият ҳаётида, хусусан, инсон ҳуқуқларининг суд орқали ҳимоя қилинишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимизнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисидаги дастурий маърузасида олтинчи устувор йўналиш бўйича асосий вазифа суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича белгиланган ва босқичма-босқич амалга оширилаётган ишларни изчил давом эттиришдан иборат эканлиги, жумладан, даъво аризалари ва шикоятларни қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш борасидаги дастлабки жараёнларни янада соддалаштириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган. Шунингдек, Олий Мажлис томонидан 2002 йилнинг 29 август куни қабул қилинган қарор асосида ишлаб чиқилган «Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича Концепция»да кейинги йилларга мўлжалланган аниқ тадбирлар белгилаб берилган эди.

Шундан кейин ўтган давр мобайнида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, суд ишларининг ошкоралигини таъминлаш ҳамда суд ишларини соддалаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Олий суд томонидан қонунчилик ташаббуси асосида киритилган қонун лойиҳаси асосида Олий Мажлиснинг ўн учинчи сессиясида **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонун қабул қилинганлиги, жумладан, амалдаги Фуқаролик процессуал кодекси буйруқ тартибида иш юритиш ҳақидаги алоҳида 20[1]-боб билан тўлдирилганлиги ҳам суд ишларини соддалаштириш борасида амалга оширилган ишлардан биридир.

Фуқаролик процессуал кодексига киритилган қоидаларнинг аҳамияти шундан иборатки, мазкур қонун қабул қилингач, маълум тоифадаги низосиз талаблар бўйича судья суд буйруғи чиқариш ваколатига эга бўлди. Бу, ўз навбатида, фуқаролар ўртасидаги низоли бўлмаган фуқаролик муносабатларини ортиқча сансалорликларсиз тартибга солиш имкониятини яратди. Ишни даъво тартибида кўриш билан боғлиқ ортиқча сарфланадиган иш вақти ва харажатларнинг олди олинди. Биргина 2010 йилда 1.030.000 дан зиёд суд буйруқлари чиқарилганлиги ҳам суд ишларини соддалаштириш борасида олиб борилган ислоҳотлар самарасидир.

Таъкидлаш лозимки, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар натижасида қонуний кучга кирган суд қарорларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида ижро этиш тизими ҳам доимий равишда такомиллаштириб келинмоқда. 2001 йил 29 августда **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»**ги қонун қабул қилиниши билан суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини мажбурий ижро этиш, шунингдек, ушбу жараёнда юзага келадиган муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинди. 2009 йил 14 январда **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»**ги қонунга 63 банддан иборат қўшимча ва ўзгартириш киритилганлиги ижро иши юритишни янада такомиллаштирди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепцияда сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий муносабатларнинг бутун тизимини модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш бўйича олдимизда турган кенг кўламли вазифаларни самарали ҳал қилиш мақсадида қатор ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Ҳозирги пайтда ушбу вазифалар ижросини таъминлаш борасида соҳа вакиллари, жумладан, амалиётчилар, олимлар, экспертлар томонидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Жумладан, Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекснинг янги таҳриридаги лойиҳаси ишлаб чиқилгани бунинг исботидир. Бундан ташқари маъмурий судьяларни тайинлаш масалалари бўйича ҳам таклифлар тайёрланмоқда.

Фуқаролик процессуал, Фуқаролик, Уй-жой ва Оила кодексларига бир қатор ўзгартишлар киритиш, суд ишини янада соддалаштириш борасида иш олиб борилмоқда.

Шунингдек, фуқароларнинг судга мурожаати ва фуқаролик ишлари сон жиҳатидан йил сайин ошиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда республика бўйича фаолият кўрсатиб келаётган 63 та туманлараро судларининг ташкилий тузилмаси масаласини қайта кўриб чиқиб, 78 та туманлараро, 6 та туман ва 3 та шаҳар, жами 87 та судни ташкил этиш борасида таклиф тайёрланиб, тегишли тартибда тақдим этилди. Бу ҳам, ўз навбатида, фуқароларнинг судга мурожаат қилиши ва суд ишларининг ўз вақтида ҳал этилиши, яъни фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлашда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида қайд этилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, хусусан, судларнинг ихтисослашуви халқимиз учун яратилган улкан қулайлик бўлиши билан бирга илғор халқаро ҳуқуқ амалиётига ҳам тўлиқ мос келади. Зеро, судларнинг ихтисослашуви ишларнинг нафақат тез, балки сифатли кўрилишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки судьянинг ихтисослашиб бориши унинг билим, тажриба ва кўникмаларини оширади ва бойитади. Буларнинг барчаси, айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасининг янада демократлаштирилиши ва либераллаштирилиши фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини юксак даражада ҳимоялашга хизмат қилади.

Холмўмин ЁДГОРОВ,
Олий суд судьяси

Maslahat

Меҳнат шартномаси

у қандай ҳолларда ходимнинг ташаббуси билан бекор қилинади?

Меҳнат кодексининг 99-моддасида таъкидланишича, ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир. Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишни тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса, ходимга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан, меҳнат шартномаси огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин.

Агар огоҳлантириш муддати тугагандан кейин ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинмаган ва меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотади, бундай ҳолда меҳнат шартномасини шу аризага мувофиқ бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш ҳақидаги ариза у ўз ишини давом эттиришининг имкони йўқлиги (ўқув юртига қабул қилинганлиги, пенсияга чиққанлиги, сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланганлиги ва бошқа ҳоллар) билан боғлиқ бўлса, иш берувчи меҳнат шартномасини ходим илтимос қилган муддатда бекор қилиши керак.

Муддатли меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан муддатидан олдин бекор қилинганда Меҳнат кодексининг 104-моддасида назарда тутилган тартибда ходимнинг неустойка тўлаши белгилаб қўйилиши мумкин.

Иномжон ЯКУБОВ,
ТДЮИ магистранти

Yangi qonun mohiyati

Суғурта фаолиятининг қонуний асослари

бу борадаги меъёрлар янада такомиллаштирилди

Қонуннинг 25-моддаси биринчи қисмида жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига зарар етказилган ҳолларда уни кафолатли қоплаш тамойили акс эттирилди. Жумладан, бундай ҳолларда зарарнинг ўрни компенсация тўловлари асосида қопланади. Амалиётда транспорт воситаларини ноқонуний йўл билан эгаллаб олган шахс томонидан зарар етказилган ҳолатларда, суғурталовчи ҳам, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси ҳам жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва ёки мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши учун қонуний асосда жавобгар эмас эди. Эндиликда мазкур масала қонуний йўл билан ечимини топди ва транспорт воситасини ноқонуний йўл билан эгаллаб олган шахс томонидан жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган ҳолларда зарарнинг кафилли қопланиши таъминланди.

Қонуннинг 26-моддасида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармасининг ҳуқуқий мақоми белгиланган. Жамғарманинг жабрланувчилар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига етказилган зарар ўрни қопланишининг кафолатланиши принципини амалга оширишдаги беқиёс ўрнини, шунингдек, унинг даромад олиш ва олинган даромадни иштирокчилар орасида тақсимлаш назарда тутилмаган ижтимоий йўналтирилган фаолиятини инобатга олиб, қонуннинг 26-моддасига ўзгартиш киритиш орқали Жамғармага нотижорат ташкилот мақоми берилди.

Бундан ташқари қонуннинг 36-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, судлар, шунингдек, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар суғурталовчи томонидан суғурта товонининг миқдорини аниқлаш мақсадида суғурта ҳодисалари содир бўлишининг сабаби ва ҳолатлари ҳамда етказилган зарар ҳақидаги масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва хулосаларни суғурталовчиларнинг сўровига кўра тақдим этиши шарт.

Шу билан бирга, Жамғармага ҳам ўзининг вазифаларини амалга ошириш учун юқорида келтирилган ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар ва хулосалар зарур бўлади. Шунинг учун қонуннинг 36-моддасига ўзгартиш киритиш орқали ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, судлар, шунингдек, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг Жамғармага унинг сўровномасига биноан тегишли ҳужжатлар ва хулосаларни тақдим этиш мажбурияти юкланди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу янги қонун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мажбурий суғурта тизимини шакллантириш орқали йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида зарар кўрган жабрланувчиларнинг ижтимоий ҳимояланишини, йўл-транспорт ҳодисалари натижасида айбдор ва жабрланувчилар ўртасида келиб чиққан низоларнинг катта қисмини суд аралашувисиз ҳал этишни, мажбурий суғурта хизматининг замонавий ва халқаро талаблар даражасига кўтарилишини ва энг муҳими, суғурта бозорининг янада ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

Собир ЖАББОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Qonun ko`magi

Тадбиркорлик ривожи — тараққиёт асоси

бу борада адлия идоралари томонидан самарали ишлар олиб борилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Президентимизнинг тадбиркорлар, аввало, кичик бизнес субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган фармон ва қарорлари, соҳани янада тараққий эттиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Ўрни келганда шуни таъкидламоқчимизки, адлия идоралари, хусусан, Андижон вилояти адлия бошқармаси томонидан назорат органлари ўтказаётган текширишларнинг қонунийлиги устидан назоратни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш чора-тадбирларини кўриш, корхоналар, хусусий тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашишнинг олдини олиш бўйича бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Масалан, 2010 йилда тадбиркорлар манфаатларини кўзлаб уларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш ва айбдор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли жавобгарлик чорасини кўриш бўйича жами 157 та тақдимнома, шунингдек, қонунбузилишларга йўл қўймаслик юзасидан 54 та огоҳнома ва 56 та кўрсатма киритилди. Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ва тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳолати бўйича 26 нафар айбдор шахсга нисбатан тегишли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар расмийлаштирилиб, судларга юборилди. Суд қарорларига асосан 19 нафар шахс маъмурий жазога тортилди.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини кўзлаб судларга 186 та 1.475 миллион сўмлик даъво аризаси киритилди. Ушбу аризаларнинг 159 таси қаноатлантирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 мартдаги **«Адлия органларида махсус "Ишонч телефони" ташкил этиш тўғрисида»**ги қарорининг қабул қилингани кичик бизнес субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда яна бир муҳим омил бўлади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишга қаратилган ислоҳотларнинг изчил амалга оширилаётгани, айниқса, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини яратилгани хусусий тадбиркорлик соҳасининг миллий иқтисодиётимиздаги ўрнини янада мустаҳкамлаши шубҳасиз.

Ботир МАМАДАЛИЕВ,
Андижон вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Jinoyatga jazo muqarrar

Ҳалоллик

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Зотан, мамлакатимиз истиқлолга эришганидан сўнг пухта режалаштирилиб, ҳаётга жорий этилган «Ўзбек модели»нинг бугун ўзига хос тараққиёт йўли сифатида бутун дунёда эътироф этилаётгани, юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётгани, халқимизнинг онгу тафаккури юксалаётганига осонгина эришилгани йўқ.

Бу янгиланишлар, ўзгаришлар собитқадамлик билан олиб борилган кенг кўламли ислоҳотлар, жамиятнинг ҳамма жабҳасини янгилаш, модернизация қилишнинг амалдаги самараси десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Давлатимиз раҳбарининг Конституциямиз қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги **«Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир»** номли маърузасида таъкидланганидек, давлатимиз ва жамиятимизнинг, мулк шаклидан қатъи назар, юртимиздаги ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ёки муассасалар бўладими, юридик ёки жисмоний шахслар, ҳомийлар ва хайрия жамғармалари бўладими – буларнинг барчаси куч-имконият ва маблағларини аниқ бир мақсад ва эзгу ниятларни амалга ошириш учун сафарбар этиши, бир ёқадан бош чиқариб мавжуд муаммоларни ечиши, бу йўлдаги тўсиқларни бартараф қилишда ушбу масала катта аҳамиятга эгадир.

Эътироф этиш керакки, ушбу куюнчаклик билан айтилган сўзлар юртимиздаги ҳар бир кишига — у раҳбар ёки ходим бўладими, ўқувчи ёки талаба, деҳқон ёки завод ишчиси бўладими, бирдай тегишлидир. Айни вақтда ҳар бир жамоанинг нуфузи юксалишида, фаолияти самарадорлигида раҳбар ходим алоҳида ўрин тутади. Шу маънода бугунги раҳбар замон билан ҳамнафас, фидойи, ғайратли, ташкилотчи бўлмоғи ҳар жиҳатдан зарурдир.

Аксинча, зиммасидаги масъулиятга лоқайдлик билан қараш жамоада нохуш муҳитни юзага келтиради. Қолаверса, мансаб ваколатидан қасддан фойдаланиш туфайли фуқароларнинг ҳуқуқ ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига, шунингдек, давлат ёки жамоат манфаатларига зарар етиши жиноий қилмиш ҳисобланади.

Вилоят суди очиқ суд мажлисида Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбланган «Жиззахпахтасаноатқурилиш» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Б.Турдиев, «Жиззахпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси раиси Х.Сангилов ва бошқа мансабдор шахсларга нисбатан жиноят ишини кўриб чиқди.

Очиғини айтадиган бўлсак, Б.Турдиев ва Х.Сангилов ҳамда уларнинг ҳамтовоқлари ўзаро жиноий тил бириктириб, давлат ва жамоат манфаатларига кўп миқдорда зиён етказишган. Б.Турдиев ва Х.Сангилов 2008 йил 27 май ва 2009 йил 23 февралдаги «Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш ва бюджетга тўлов интизомини мустаҳкамлаш Республика комиссияси»нинг 23 ва II сонли баённомалари ҳамда Солиқ кодексининг 32-моддаси мазмунини билмасликлари мумкин эмас эди. Чунки ушбу манбаларда «Ўзпахтасаноат» уюшмаси тизимига маҳсулот сотишдан келиб тушган пул маблағларидан биринчи галда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни бюджетга тўлаб бориш қайд этилган.

Юқорида номлари қайд этилган кимсалар эса бир қатор пахта тозалаш корхоналарининг бюджет олдидаги қарздорлигини тўлаш ўрнига ўзларининг тубан мақсадига етишни муҳим деб билишади. Х.Сангилов Б.Турдиев билан олдиндан жиноий тил бириктириб, 205 миллион 468 минг 600 сўмни «Жиззахпахтасаноат қурилиш» МЧЖнинг ҳисоб рақамига қурилиш ишлари учун ўтказиб беради. Натижада бажарилмаган қурилиш-таъмирлаш ишларига маблағ ўтказиб берилгани боис, жуда кўп миқдордаги 88 миллион 213 минг 900 сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўланмасдан қолади.

«Учтепа» пахта тозалаш корхонасида пахтани майда ва йирик ифлосликлардан тозалаш агрегати ўрнатиш режалаштирилади. Бунинг учун «Жиззахпахтасаноатқурилиш» МЧЖ, пахта тозалаш корхонаси ва «Жиззахпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси ўртасида уч томонлама шартнома имзоланади. Шартномага кўра, «Жиззахпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси ҳисоб рақамидан МЧЖнинг ҳисоб рақамига 35 миллион 825 минг 492 минг сўм пул маблағи ўтказиб берилади. Ҳолбуки, агрегат ўрнатиш учун бор-йўғи 15 миллион 817 минг 100 сўм сарфланган... «Жиззахпахтасаноатқурилиш» МЧЖ раҳбари Б.Турдиев, «Жиззахпахтасаноат» ҲАБ раиси Х.Сангилов ва «Учтепа» пахта тозалаш корхонаси раҳбари Б.Қўзиев, бош муҳандиси З.Жониев эса агрегатни ўрнатиш учун 35 миллион 825 минг 492 сўм кетди, деган мазмунда сохта ҳужжат тайёрлашади.

Шу тариқа 20 миллион 8 минг 409 сўм қумга сингган сувдай изсиз кетади.

Шундан сўнг орадан кўп вақт ўтмай «Учтепа» пахта тозалаш корхонасида раҳбар алмашади. Буни қарангки, янги раҳбар А.Саримсоқов ҳам нафс балосига йўлиққан кимсалардан бўлиб чиқади.

Qaror va ijro

Буюк ва муқаддас Ватан тараннуми

мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги олдидан ўтказиладиган тадбирлар юксак савияда ташкил этилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бунда, албатта, миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлаш жараёнида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳеч ким томонидан бузилмаслиги; Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш ва халқаро ҳуқуқ меъёрларининг миллий ҳуқуқ меъёрларидан устун бўлиши каби тамойилларга алоҳида эътибор қаратилгани муҳим аҳамият касб этди. Шуниси эътиборга лойиқки, мамлакатимизда мустақиллигимизнинг ўтган даврида жамият ҳаётининг уйғун ривожини таъминлаш ва ижтимоий муносабатлар мувозанатига эришиш, асосийси, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган кенг кўламли амалий ишлар, тадбирлар натижасида аҳолининг ҳуқуқий маданияти юксалиб, маънавий дунёқарашида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Айниқса, навқирон авлоднинг соғлом ва жисмонан бақувват бўлиб ўсиши, мустақил фикрлайдиган, тафаккури теран, глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ ўзгаришларга ўз муносабатини шакллантиришига шароит яратилгани боис фарзандларимиз баркамоллик сари интилмоқда, дейишга тўлиқ ҳақлимиз.

Шу ўринда ҳар бир инсон ҳаётига бевосита дахлдор бўлган **«Инсон ҳуқуқлари – энг олий қадрият»**, деган муқаддас тамойил моҳиятига тўхталиб ўтсак. Аслида бу тушунчанинг мағзида қандай маъно бор? Аввало шуни айтиш керакки, дунёда ўтган асрнинг иккинчи ярми, яъни талофатли урушлар, улкан йўқотишлар, жабр-зулм, миллат ва элатларнинг ўзаро адоватга берилиши, бир-бирини камситишга уринишлар натижасида илғор фикрли халқлар бундан хулоса чиқаришга ҳаракат қилишди. Ўзаро ҳамкорликда инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириш йўл-йўриқлари изланди. Ўшанда асосий эътибор инсоннинг асосий ҳуқуқларига, яъни инсон қадр-қиммати, шаънига ҳурмат билан қараш, жинслар ва миллатларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш, халқаро миқёсда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ва бошқа қатор илғор ҳамда эзгу ғояларни қарор топтиришга қаратилди. Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида халқлар ва давлатларни бирлаштирувчи куч сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) (1945 йил) таъсис этилди. 1948 йилда мазкур ташкилот томонидан «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» қабул қилинди. Ушбу ҳужжатнинг биринчи моддасида «Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган, бинобарин, улар бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак», деб қайд этилган.

Умуман олганда, ўтган давр мобайнида БМТ томонидан қабул қилинган олтмишдан ортиқ ҳужжатлар моҳият жиҳатдан дунёда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашни ўзида мужассамлаштиргани билан эътибор молик. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг 1992 йил 2 мартда БМТга аъзо бўлгани ҳам мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқ ва манфаатларига чексиз ҳурмат ва эътиборда эканлигини кўрсатади. Президентимиз Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида (2010 йил) истиқлол йилларида юртимизда инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида тан олинган ҳолда жамиятда ҳар бир шахснинг эркин ва фаровон яшаб, муносиб турмуш тарзига эга бўлиши таъминланаётганини аниқ далиллар билан асослаб берди. Таъкидланганидек, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот 3,5, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баравар ўсди, аҳолининг ўртача иш ҳақи 14 баравар ошди. Давлатнинг ижтимоий соҳа ва ижтимоий муҳофаза учун сарф-харажатлари 5 баравардан зиёд кўпайди. Ҳар йили давлат бюджетининг 50 фоиздан ортиғи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Оналар ўлими даражаси 2 баравардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баравар камайди. Одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача ошди. Ёки ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этади. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3 — 5 фоиздан ошмайди.

Таҳлиллар шундан далолат беradики, инсоният цивилизациясининг барча босқич ва кўринишларида инсон эркинлиги, унинг мустақил турмуш кечириши, ҳатто оилада ҳам ўзаро муносабатларда катта-кичикнинг фикри, таклиф ёки эҳтиёжлари баб-баробар қаноатлантирилиши каби умуминсоний хусусиятларга доимо эътибор бериб келинган. Шу маънода «қадрият» тушунчасига илғор фикрли зиёлилар томонидан турлича таърифу-тасниф берилиб, асрлар оша у янги мазмун-моҳият билан бойиб келмоқда. Қадрият — жуда чуқур ва кенг маънони англатувчи, жамият тараққиётига узлуксиз таъсир этиб келаётган фалсафий иборалардан саналади. Президентимиз Ислом Каримовнинг **«Юксак маънавият – енгилмас куч»** асарида қадрият иборасига қуйидагича, яъни **«Биз тарих синовларидан ўтган, миллий манфаатларимиз, бугунги ва эртанги орзу-интилишларимизга, тараққиёт талабларига тўла жавоб берадиган, йиллар ўтган сари қадри ортиб борадиган ғоя ва тушунчаларни қадрият деб биламиз»**, деб аниқ таъриф берилган.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, умуминсоний ёки миллий қадриятлар ҳуқуққа нисбатан кенгроқ маънони англатади, биринчиси жамиятда инсон фаол ҳаракатланиши учун аҳамиятли бўлган барча нарсалар, жумладан, эркинлик, тинчлик, адолат, маърифат, ҳақиқат, яхшилик ва маънавий бойликлардан иборат бўлса, иккинчиси эса, яъни ҳуқуқ давлат бўлиб уюшган жамиятда у ёки бу шахсга яратилган имконият, эркинлик, ихтиёр бўлиб, улар тегишлича, конституция ва қонунларда мустаҳкамланган умуммажбурий қоидалар мажмуини ташкил этади. Инсоният цивилизациясининг бугунги босқичидаги давлатчиликда инсон ҳуқуқлари энг юксак, юқори ва ҳеч бир ўлчовга тенг бўлмаган қимматга эга бўлиб, улуғвор саналгани сабабли олий мақомга, яъни олий қадрият деб баҳоланади.

Давлатимиз раҳбарининг **«Мустақиллик — ҳуқуқ демакдир»** деган таърифи ҳам истиқлолнинг нечоғлик буюк ва улуғворлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, айтиш керакки, Ватанимиз мустақиллиги халқимизга ўз ҳақ-ҳуқуқларига эга бўлиш имконини берди. Шахснинг жамиятда тўлақонли эркинлигини таъминлашга кўмаклашувчи бир қатор узвий ҳуқуқларини амалга оширишда етарлича шарт-шароит ва имкониятлар яратилганлаб қонунларда белгиланган инсон ҳуқуқларини амалда бажарилишига масъул бўлиб, у ёки бу тарзда бузилган ҳуқуқлар тегишли тарзда мустақил суд ҳокимияти томонидан ҳимоя қилинмоқда.

Масалан, инсоннинг яшаш ёки шахсий дахлсизлик ҳуқуқини таъминлаш жараёнида кейинги йилларда юртимизда муҳим амалий ишлар қилинди. Хусусан, ўлим жазосининг бекор қилингани, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилгани бу йўналишдаги катта қадамлардир. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши натижасида Жиноят кодексининг махсус қисмидаги жиноятлар турининг қарийб 75 фоизини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар ташкил этаётир. Дарвоқе, судлар томонидан бу тоифадаги жиноятларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар, хусусан жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари тайинланмоқда. Ёки 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институти жорий этилгани натижасида ўтган давр мобайнида 110 минг нафардан ортиқ шахс жавобгарликдан озод этилди. 2008 йилнинг январидан буён судлар томонидан тергов органларига 700 маротабадан ортиқ шахсларга нисбатан камоққа олиш билан боғлиқ эҳтиёж чорасини қўллаш рад этилган.

Судларда ишларни кўришда тортишувчанлик принципининг янада кучайтирилгани, яъни инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишда адвокатларнинг ролини ошириш борасида қонунчилик базасининг босқичма-босқич мустаҳкамлангани, жиноят натижасида етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганида (Жиноят кодексидаги 11 модда) айбдорларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланиши ва бошқалар инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият, деб баҳоланган юртимизда амалга оширилган ислоҳотларнинг энг улкан ва муҳим ютуғи сирасига киради.

Мустақиллигимизнинг ўтган даврида ёшларнинг билим олиш ҳуқуқини (кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилгани, 12 йиллик мажбурий таълим тизимини жорий этишга эришганимиз) ёки ҳар бир шахснинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш (замонавий асбоб-ускуна ёки жиҳозлар ёрдамида ташхис қўйиш), мулкдор бўлиш (хусусий мулкни қўпайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш) каби ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ изчил ислоҳотлар натижасида фуқаролар жамиятда мамлакатимизни модернизация қилишда бунёдкор кучга айланмоқда.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш жоизки, «Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият» ҳуқуқий саводхонлик ойлик тадбирлари юртимизда яшовчи халқлар, энг аввало, ёшларда юксак ҳуқуқий маданиятни, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни янада шакллантириш, фуқароларнинг қонунга итоаткорлик туйғусини янада оширишга хизмат қилиши баробарида мустақиллигимизнинг улуғворлиги, эртанги кунимизга бўлган ишончи ва интилишини янада кучайтириши шубҳасиздир.

Мавжуда РАЖАБОВА,
юридик фанлари доктори

Mezon

Одил судлов тамойилларини мустаҳкамлаш йўлида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жиноят ишини қўзғатиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради. Судья маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишни юритишда ёки фуқаровий ишни ёхуд бошқа жиноятга доир ишни юритиш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаган ҳолларда жиноят ишини қўзғатиб, ажрим чиқаради ва ишни дастлабки тергов учун прокурорга юборади.

Бундан ташқари Хўжалик процессуал кодексининг 152-моддаси учинчи қисмида **«Агар хўжалик низосини кўриб чиқиш чоғида суд мансабдор шахс хатти-ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, у жиноят иши қўзғатади ҳамда етказилган зарар ундирилишини таъминлаш учун унга тегишли мол-мулкни хатлаб қўяди»**, деган меъёр белгиланган бўлиб, унга мувофиқ, бугунги кунда хўжалик судлари ҳам жиноят ишини қўзғатиш ваколатига эга.

Шу ўринда статистика маълумотларга мурожаат этадиган бўлсак, Олий суддан олинган маълумотларга кўра, жиноят ишлари бўйича республика судлари томонидан 2009 йилда жами 145 та, 2010 йилда жами 123 та жиноят иши қўзғатилган. Шунингдек, Олий хўжалик судидан олинган маълумотларга кўра, республика хўжалик судлари томонидан 2008 йилда жами жиноят иши қўзғатиш тўғрисида чиқарилган хусусий ажримлар сони 47 тани, 2009 йилда 42 тани, 2010 йилда 32 тани ташкил этган. Демак, ўтган йиллар давомида гарчи хўжалик судлари жиноят иши қўзғатишга ваколатли бўлса-да, улар томонидан жиноят ишларини қўзғатиш амалиёти йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Шуни айтиш керакки, жиноят ишини қўзғатиш, аввало, суриштирув ва дастлабки тергов идоралари, жиноий таъқибни амалга оширадиган бошқа ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифасига киради. Суддан эса шахсга қўйилган айбловнинг қонуний ва асосли эканини холис баҳолаш талаб этилади.

Қолаверса, ҳозирги пайтда суд томонидан жиноят ишини қўзғатиш тарзидаги процессуал ҳаракатнинг амалга оширилиши моҳиятан жиноий таъқибнинг ва ундан келиб чиқадиган барча оқибатларнинг бошланиши ҳисобланади. Бу эса судни жиноий таъқиб иштирокчилари қаторига киритиб қўяди. Бундай амалиёт суднинг олий мақсади бўлган одил судловни амалга ошириш тамойилига мутлақо мос келмайди.

Шу ўринда хорижий давлатлар жиноят процессуал қонунчилигини кузатадиган бўлсак, Германия Жиноят-процессуал кодексининг 170-моддасига кўра, жиноят иши прокурор томонидан қўзғатилади ва тегишли судга юборилади. Беларусь Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 175-моддасига кўра, прокурор, терговчи ва суриштирувчи, Украина Жиноят-процессуал кодексининг 98-моддасига биноан, прокурор, терговчи, суриштирув органи ёки судья жиноят иши қўзғатиш ваколатига эга.

Шу маънода процессуал қонунчиликда суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколатини чиқаришни назарда тутадиган меъёрнинг белгиланиши, *биринчидан,* суднинг мустақиллигини, ишни кўришда холислиги ва адолатли қарор қабул қилишини, пировардида одил судлов тамойилларининг янада ривожланишини; *иккинчидан,* судьяларнинг одил судловни амалга ошириш тамойилига мутлақо мос келмайдиган жиноий таъқиб билан боғлиқ ваколатдан халос бўлишини; *учинчидан,* суднинг жиноий таъқиб иштирокчилари тоифасидан чиқарилишини таъминлайди.

Шу боис 2011 йил 14 январда қабул қилинган Президентимизнинг **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясининг суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш соҳасида амалга оширилишига доир чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармойишида ҳам нафақат жиноят ишлари бўйича ҳамда ҳарбий судлардан, шу билан бирга хўжалик судларидан ҳам жиноят иши қўзғатиш ваколатини чиқаришни назарда тутувчи **"Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасига ва Хўжалик-процессуал кодексининг 152-моддасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"**ги қонун лойиҳасини Бош прокуратура, Олий суд ва Олий хўжалик суди биргаликда ишлаб чиқиши вазифаси белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, процессуал қонунчиликка суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколатининг чиқарилишини назарда тутадиган меъёрнинг киритилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг мантиқий давоми сифатида суднинг холислигини таъминлашга, энг муҳими, суднинг одил судловни амалга ошириш тамойилига мос келмайдиган ваколатдан халос бўлишига хизмат қилади. Пировардида, судьянинг ўзи қўзғатган жиноят ишига келгусида ўзи муносабат билдиришининг олдини олиш орқали судланувчининг қилмишларига нисбатан адолатли қарор қабул қилинишида муҳим омил бўлади.

Нодир МУХТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди

умрни безайди

мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш эса нохуш оқибатлар олиб келади

2008 йил 17 августдаги 9-сонли уч томонлама шартномага асосан ҳудудий акциядорлик бирлашмасидан МЧЖнинг ҳисоб рақамига 13 миллион 18 минг 955 сўм пул маблағи ўтказиб берилади. Амалда эса корхонанинг пахта тозалаш ва қуритиш цехида 5 миллион 312 минг 400 сўмлик қурилиш ишлари бажарилади, холос.

Корхона раҳбари А.Саримсоқов, ишлаб чиқариш бўлими бош таъмирловчиси Ш.Шодиев Б.Турдиев ҳамда Х.Сангиловнинг ноғорасига ўйнаб, бажарилган ишлар ҳақидаги ҳужжатларни сохта ёзувлар билан «безаб», ошиқча тўланган 7 миллион 706 минг 500 сўмни ўзлаштиришади. Бундан ташқари корхона маъмурий биносида 2 миллион 965 минг 630 сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилган бўлса-да, 4 миллион 306 минг 445 сўмлик қурилиш ишлари бажарилди, дея сохта ҳужжат расмийлаштирилади.

Б.Турдиев ва Х.Сангилов «Дўстлик» пахта тозалаш корхонасига қарашли «Иржар» филиали раҳбари С.Мамасобиров ва ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Ф.Назаровни ҳам жиноий гуруҳга тортади. Натижада «Пахтазор» пахта қабул қилиш маскани маъмурий биносида қурилиш ишлари умуман бажарилган бўлмаса-да, 32 миллион 302 минг 362 сўмлик ишлар қилинганлиги ҳақида қалбаки ҳужжат тайёрланади.

«Иржар» филиали маъмурий биносида 6 миллион 674 минг 236 сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари адо этилганди. Буни қарангки, нафс йўриғига юрган кимсалар бу иш учун нақ 40 миллион 254 минг 472 сўм ажратишади!

Б.Турдиев ва Х.Сангиловнинг жиноий топшириқларини яна бир пахта тозалаш корхонаси раҳбари Х.Комилов ва ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Х.Аҳмедов ҳам қулоқ қоқмай бажаради. Уюшган гуруҳ томонидан корхона бетон тўсиқ билан ўралди, бунинг учун 69 миллион 858 минг 600 сўм сарфланди, деган мазмунда сохта ҳужжат тузилади. Амалда эса бетон деворлардан асар ҳам йўқ эди...

Судда аниқланишича, 2007 – 2008 йилларда ва 2009 йилнинг февраль ойида юқорида номлари келтирилган пахта тозалаш корхоналарида 36 миллион 573 минг 800 сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилган. Бунинг учун эса «Жиззахпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси ҳисоб рақамидан «Жиззахпахтасаноатқурилиш» МЧЖ ҳисобига тўлов топшириқномалари билан жами 205 миллион 468 минг 600 сўм пул ўтказиб берилган. Яъни бажарилмаган ишлар учун 168 миллион 894 минг 800 сўм тўланган. Мансаб ваколатини суиистеъмол қилган Б.Турдиев, Х.Сангилов, Б.Қўзиев, З.Жониев, А.Саримсоқов, Ш.Шодиев, С.Мамасобиров, Ф.Назаров, Х.Комилов ва Х.Аҳмедов томонидан бу маблағ тақсимлаб олинган.

Айтиш керакки, суд мажлисида барчасига адолатли баҳо берилди. Етказилган зарар ўрни қопланганлиги ҳам инобатга олинди. Судланувчи Б.Турдиев Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми, 189-моддаси 3-қисми, 167-моддаси 3-қисми «а», «в» бандлари, 205-моддаси 2-қисми «а», «б», «в» бандлари, 209-моддаси 2-қисми «б» банди, 25, 167-моддаси 3-қисми «а», «в» бандлари ва 168-моддаси 3-қисми «а» банди билан айбли топилиб, етти ярим йилга озодликдан маҳрум этилди. Судланувчи Х.Сангиловга олти ярим йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Уюшган гуруҳнинг бошқа иштирокчилари ҳам қилмишларига яраша жазо олди.

Шу ўринда мақолага сўнгги нуқта қўйиш ҳам мумкин эди. Бироқ кишини бошқа бир мулоҳаза ўйга толдиради. Гап шундаки, мансабдор шахс ваколат доирасидан четга чиқса, ўзига ишониб топширилган вазифани суиистеъмол қилса, давлат ва жамоат манфаатларига зарар етказа бошласа, атрофида уни қўллаб-қувватлаб турувчи лаганбардорлар кўпаяди. Яъни мансабдор шахснинг ўз ваколатини суиистеъмол қилаётгани айрим нафси бузуқларга қўл келади. Бунга «Дўстлик» пахта тозалаш корхонасига қарашли «Иржар» филиали омбор мудири А.Эркаевни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Баднафс А.Эркаев филиал омбор мудири вазифасида бор-йўғи тўрт ой ишлаган. Ана шу қисқа вақт ичида моддий жавобгар шахс А.Эркаев 76 миллион 636 минг 961 сўмлик уруғлик чигитни терговда ва судда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган шахсларга нақд пулга сотиб юборган. Эҳтимол, Б.Турдиев ва Х.Сангилов атрофига ўзларига ўхшаган бойлик илинжида юрган кимсаларни тўплаб, жиноят содир этмаганларида, ўзларига ишониб топширилган вазифани виждонан бажарганларида, А.Эркаевга ўхшаган кимсалар жамоага суқилиб киролмасмиди?!

Суд кўп миқдордаги мулкни ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талонторож этган А.Эркаевни тегишли муддатга озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Кўпни кўрган кишилар ҳалол ноннинг ширинлигини гапиришади. Ҳақиқатан, ҳалолликнинг ўрни беқиёс, у иньом этадиган ҳаловат билан ҳеч нарсани солиштириб бўлмайди. Шу маънода ҳалоллик умрни безайди. Ушбу ҳикматни ҳеч қачон унутмаслик, мансаб ваколатини виждонан бажариш — обрў-эътибор орттиришнинг энг тўғри йўлидир.

Анвар ХУДОЙКУЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг судьяси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Куч – адолатда» мухбири

Mulohaza

Фарзанд тарбияси

унга барчамиз бирдек масъулмиз

МАЪЛУМКИ, ҲАР БИР ЖИНОИЙ ҚИЛМИШ, НОҚОНУНИЙ ХАТТИ-ҲАРАКАТ ЖАМИЯТ УЧУН ИЖТИМОИЙ ХАВФЛИ ИЛЛАТ САНАЛАДИ. АЙНИҚСА, БУНДАЙ ҚИЛМИШЛАРНИНГ ВОЯГА ЕТМАГАН ЎСМИРЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛИШИ ЯНАДА ХАВФЛИДИР.

Шу боис ҳам мамлакатимизда вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича аниқ мақсадли ишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ўртасида жиноятлар содир этилишига шарт-шароит яратиб берадиган сабабларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

Hikmat

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Ақллига бир гап кифоя.

* * *

Дунёга ақл кўзи билан боққан одамга дунё ҳам оқилона қарайди.

* * *

Билим, тафаккур инсон ҳаёти, барҳаётлиги негизидир.

* * *

Илмли — илдам, илмсиз имиллагандир.

* * *

Камтарга камол, манманга завол.

* * *

Билиб туриб ҳаракат қилмаслик билимсизлик демакдир.

* * *

Инсон ўзи бурчли бўлган ҳамма ишни бажаришга қодир.

* * *

Меъёр — саломатликнинг ярми.

* * *

Тан саломати — жон роҳати.

* * *

Инсоннинг улуғлиги унинг ишларидан билинади.

* * *

Қалбни синдириш осон, аммо уни бутун қилиш қийин.

* * *

Саломатлик тартибининг энг биринчи шарти — тўғри овқатланишдир.

Huquqiy ma`rifat

Кафилнинг мажбуриятлари

МАЖБУРИЯТ АТАМАСИ КУНДАЛИК ҲАЁТИМИЗДА ТЕЗ-ТЕЗ УЧРАБ ТУРАДИ. БИРОҚ ҲАММА ҲАМ БУ ТУШУНЧАНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАЗМУНИНИ БИЛАВЕРМАЙДИ. ҲОЛБУКИ, МАЖБУРИЯТ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ МУҲИМ ИНСТИТУТЛАРИДАН БИРИ БЎЛИБ, УНИНГ БАЖАРИЛМАСЛИГИ МУАЙЯН ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИ.



Амалдаги Фуқаролик кодексининг 234-моддасига асосан, мажбурият шундай фуқаролик ҳуқуқий муносабатки, унга кўра, бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи, мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса, қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Кўриниб турибдики, мажбурият томонларнинг ўзаро келишуви асносида юзага келадиган фуқаролик муносабатидир. Шундай экан, томонларнинг зиммасидаги вазифаларини ўз вақтида адо этиши ҳар жиҳатдан зарур ва шартдир. Зотан, келишувдан кўзланган мақсад ана шунда амалга ошади.

Аммо ҳаётда кимдир зиммасидаги мажбуриятни адо этишга масъулият билан ёндашса, уни «эсдан чиқариб» юборадиган кимсалар ҳам учраб туради. Шу боис ҳам қонунчиликда мажбуриятнинг бажарилишини таъминловчи воситалар ҳам назарда тутилган. Улар сирасига неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, заклат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар киради. Масалан, кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўлиқ ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олувчи шахсдир.



Кафиллик шартномасига Фуқаролик кодексининг 292-моддасида аниқ таъриф берилган. Унга кўра, кафилнинг бошқа шахсга ўз мажбуриятини тўлиқ ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олишини тасдиқлайдиган ҳужжат кафиллик шартномасидир.

Фуқаролик кодексининг 293-моддасига биноан, қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида солидар тартибда жавобгар бўлади. Шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил кредитор олдида қарздор билан баравар жавоб беради. Кафил кредиторнинг талабига қарши қарздор билдириши мумкин бўлган ҳамма эътирозларни қўйишга ҳақли. Ҳатто қарздор ўз эътирозларидан воз кечган ёки ўз мажбуриятини тан олган тақдирда ҳам кафил ушбу эътирозларга бўлган ҳуқуқини йўқотмайди.

Мажбуриятни бажарган кафилга кредиторнинг ушбу мажбурият бўйича ҳуқуқлари ҳамда гаровга олувчи сифатида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқлари кафил кредиторнинг талабини қанча ҳажмда қаноатлантирган бўлса, шунча ҳажмда ўтади. Кафил кредиторга тўланган суммага фоизлар тўлашни ва қарздор учун жавобгарлик муносабати билан кўрган бошқа зарарни тўлашни қарздордан талаб қилишга ҳақли.

Кафиллик билан таъминланган мажбурият бекор бўлгач, шунингдек, ушбу мажбурият кафилнинг розилигисиз жавобгарликнинг ошишига ёки унинг учун бошқа ноқулай оқибатларга олиб келадиган тарзда ўзгартирилса, кафиллик бекор бўлади. Кафиллик билан таъминланган мажбурият бўйича қарз бошқа шахсга ўтказилганида, агар кафил янги қарздор учун жавобгар бўлиш ҳақида кредиторга розилик берган бўлмаса, шунингдек, кафил таъминланган мажбуриятни бажариш муддати келганида кредитор қарздор ёки кафил таклиф қилган тегишли ижрони қабул қилишдан бош тортса, кафиллик бекор бўлади. Агар асосий мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ва белгиланиши мумкин бўлмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгиланган бўлса, кредитор кафиллик шартномаси тузилган кундан бошлаб бир йил мобайнида кафилга нисбатан даъво қўзғатмаган тақдирда кафиллик бекор бўлиши қонунда белгилаб қўйилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, фуқаролик муносабатлари тизимида мажбуриятларнинг, хусусан, кафиллик шартномасининг бажарилиши алоҳида масъулият талаб қилади. Бинобарин, қонунчилигимиздаги унга оид меъёрлардан бохабар бўлиш мақсадга мувофиқдир.

А.НАЖМИДДИНОВА,
фуқаролик ишлари бўйича Хўжаобод туманлараро судининг раиси

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2008 ЙИЛ 15 ИЮЛДАГИ «ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ТАТБИҚ ЭТИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН ИННОВАЦИЯЛАР ЯРМАРКАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЯНГИ ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЯНАДА КЕНГ КЎЛАМДА ЖАЛБ ЭТИШ, РАҚОБАТБАРДОШ ВА СИФАТЛИ ИННОВАЦИЯ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ИЧКИ ҲАМДА ТАШҚИ БОЗОРЛАРГА ЧИҚИШИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ИМКОНИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

Faoliyat

ALOQABANK — ярмарканинг фаол иштирокчиси



«Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма мажмуасида шу йил 13 – 15 апрель кунлари бўлиб ўтган **«Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар»** тўртинчи республика ярмаркаси якунларига кўра, очиқ акциядорлик тижорат «Алоқабанк» Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар тараққиётини мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан ярмарканинг энг фаол иштирокчиси сифатида тақдирланди.

Мамлакатимизда туб иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган бугунги кунда илм-фан ютуқлари, жумладан, инновациялардан фойдаланиш фаолияти ҳамда инновацион лойиҳаларни молиялаш, уларни доимий қўллаб-қувватлашга ОАТ «Алоқабанк» катта эътибор қаратиб келмоқда.

Эътиборлиси, «Алоқабанк» томонидан **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»** муносабати билан жорий йилнинг апрель ойидан бошлаб иккита танлов эълон қилинди. Биринчиси — кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорлар учун **«Энг яхши инновацион лойиҳа»**, иккинчиси — олий ўқув юртлари талабалари ва коллеж ўқувчилари учун **«Талабаларнинг энг яхши инновацион лойиҳаси»** танловларидир. Ушбу ярмаркага ташриф буюрган мингдан ортиқ талаба ва тадбиркорлар «Алоқа банк»нинг бу борадаги фаолияти юзасидан етарлича маълумотга эга бўлишди. Шунингдек, ўндан ортиқ талабалар ярмарка жараёнида қизиқарли лойиҳаларини тақдим этишди.

Айтиш керакки, инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш, уларни доимий қўллаб-қувватлашни ОАТ «Алоқабанк» ўз фаолиятида устувор вазифалардан бири, деб билади ва келгусидаги режаларини белгилашда бунга алоҳида эътибор қаратади.

ОАТ «Алоқабанк» матбуот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ҳарбий ҳайъати ва Республика Ҳарбий суди жамоалари Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг ўринбосари, адлия майори Ҳамидилло Камоловга падари бузруквори

ОРИФ отанинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Mulohaza

Фарзанд тарбияси

унга барчамиз бирдек масъулмиз

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Айтиш керакки, баъзи вояга етмаган ўсмирлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ҳақида фикр юритганда, шундай табиий савол туғилади: бундай ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг асл сабаби нимада?

Бу саволга ҳар ким ҳар хил жавоб бериши мумкин. Бироқ асосий гап оилавий муҳит, ота-онанинг фарзанд тарбияси йўлида масъулиятни нечоғли ҳис этишига бориб тақалади. Чунки ҳеч кимга сир эмас, оилада яхши тарбия кўрган фарзанд ҳеч қачон ота-онаси, оиласи шаънига доғ туширмайди.

Қуйидаги ҳаётий мисоллар ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Абдураҳим Ўроқов Бухоро шаҳрида яшайди. Ҳали ўн олти ёшга тўлмаган Абдураҳим муқаддам жиноий жавобгарликка тортилган, аммо у бундан ўзига тўғри хулоса чиқаришни хаёлига келтирмай яна жиноят кўчасига кирди.

Ўша оқшом Абдураҳим отаси Рустам Ўроқовнинг ухлаб қолишини узоқ кутди. Сўнг тун иккинчи ярмига оғганда у оёқ учида юриб, кўчага чиқди. Аввал Бухоро шаҳридаги «Дилкушо» бозори ҳудудида жойлашган уяли телефон аппаратлари сотиладиган дўконлар атрофида ўралашиб юрди. Аммо милиция ходимларига кўзи тушиб, ўғрилик қилиш фикридан қайтди.

— Соат тунги 2:00 лар эди, чамаси, — дейди у тергов чоғида. — Шаҳардаги Мустақиллик кўчасидан ўтиб бораётиб, эшигининг тепасида «Нокия» ёзуви ёзилган уяли телефон аппаратлари дўкони диққатимни тортди. Атрофга қарадим: ҳеч ким кўринмади. Сўнг дўконнинг эшигини буздим, унинг ортидаги темир панжара қулфланмаган экан. Темир сейф ҳам очиқ турган экан. Сумка ва сумка ичидаги уяли телефонларни ўғирлаб кетдим. Кейинчалик дўкон мудири Ҳикмат Истамовга етказган зараримни тўлиқ қопладим. Қилмишимдан пушаймонман, вояга етмаганлигимни инобатга олиб, ёрдам беришингизни сўрайман...

Бу ёғини сўрасангиз, ўша тунда Абдураҳим дўкондан чиққач, қўл-оёғи қалтираб, ўғирлаган сумкасини шу яқин орадаги дарахт остига яшириб қўяди.

Эртаси куни у синфдоши Нодир Нурматовга сирини очади:

— Кеча ярим тунда уяли телефон аппаратлари сотиладиган дўконга кирдим. Сумканинг ичида қанча аппарат борлигини билмайман. Маршруткада бориш учун пулим йўқ. Қарашиб юборсанг, аппаратларни бўлишиб олардик, — дейди у. — Фақат шарт шуки, бу ҳақда бировга оғиз очмайсан. Телефон аппаратларини ярим нархига пулласак ҳам чўнтагимиз қаппайиб қолади.

Орадан уч кун ўтгач, Абдураҳим Нодирнинг акаси Нуралига ҳам ўғрилик сирини ошкор қилади. Уни уйига бошлаб кириб, 7 та уяли телефон аппаратини бераркан, сотишга ёрдамлашишини сўрайди.

— Ойи, қўшнимиз Абдураҳимнинг онаси Россиядан турли маркадаги уяли телефон аппаратларини сотиш учун юборибди. Шунинг 6 донасини сотишга кўмаклашсангиз. Ўзимизга фойда бўларди, — деди 20 январь куни мактабдан қайтган Нодир Нурматов онаси Ҳафиза Бамировага. — Мен мактабда Абдураҳимга ёзишиш учун пул бериб турибман. Шунинг учун у телефон аппаратининг пулини сўрамайди.

Она уяли телефон аппаратлари ўғлининг қўлига қандай тушиб қолгани билан қизиқиб ҳам кўрмади. Аксинча, у ўзининг фойдасини кўзлаб, харидор излай бошлади. Тез орада 2 дона «Самсунг», 4 дона «Нокия» русумли аппаратлар ўз «эга»ларини топди. Пуллар эса Ҳафиза Бамированинг чўнтагига тушди.

Бунинг устига Ҳафиза Бамированинг тўнғич ўғли Нурали Нурматов телефон аппаратлари ўғриланганлигини била туриб, Абдураҳимнинг жиноий қилмишини яширди. Аниқроқ айтганда, у онаси ва укаси билан жиноий тил бириктириб, 6 дона турли русумдаги телефон аппаратларини фуқароларга сотган.

Аслида Абдураҳим Ўроқов Ҳикмат Исматовга тегишли савдо дўконидан жами 44 дона телефон аппаратини ўғирлаб, унга 8.395.000 сўмлик моддий зарар етказган эди.

Бир жиноий қилмишнинг тафсилотлари шундан иборат. Юқорида баён этилганларни мулоҳаза қилган киши вояга етмаган Абдураҳим Ўроқовнинг жиноят кўчасига киришига кимлар айбдор эканини англамай қолмайди.

Ҳолбуки, оилада ота-она фарзанд тақдирига масъулиятни унутмаганда, қўшниси ўзининг нафсини ўйлашдан кўра, воқеага очиқ кўз билан қараганда, ҳаммаси бошқача кечарди. Айтмоқчимизки, фарзанд тарбиясига ота-она билан бирга маҳалла, мактаб жамоаси ҳам бирдек масъулдир.

Негаки, бола оилада ота-онасининг кўз ўнгида бўлса, мактабда унга устоз-мураббийлари жавобгардир. Қолаверса, иқтидорли ўғил-қизларнинг ютуғи нафақат оиласи, балки мактаби, маҳалласининг ҳам муваффақиятидир. Бинобарин, ёшларнинг тўғри йўлда юришлари, доимий назорат остида бўлишлари учун барча бирда, қайғуриши зарур.

Шуҳрат ЯДГАРОВ,
жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг судьяси
Валижон ЮСУПОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ, Олимжон ИСМАИЛОВ, Шерали РАҲМОНОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Нуриддинжон ИСМОИЛОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Муҳаммад АЛИ, Омонбой ОҚЮЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Дилбар СУЮНОВА, Юлчибой ТУРСУНБОЕВ, Шоюнус ҒОЗИЕВ, Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-418. Қоғоз бичими: А-2. Сотувда эркин нархда. Адади: 6850.
1 2 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22⁰⁰